

## **Белоруссия**

[www.gosstandart.gov.by](http://www.gosstandart.gov.by)  
сайт материаллари бўйича

Беларусь Республикасининг Давлат стандартлаштириш қўмитаси (Давстандарт) техник меъёрлаш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, энергиясамарадорлик соҳасида ягона давлат сиёсатини ўтказиш бўйича, меъёр ва стандартларга мослигини текшириш, шунингдек ёқилғи, электр ва иссиқлик энергиясдан оқилона фойдаланишни назорат қилишни амалга ошириш бўйича республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Госстандарт саноат ва бизнесга бошқа мамлакатларнинг давлат, халқаро, регионал ва миллий стандартларига киришини, жумладан интернет-технологиялар асосида таъминлаган ҳолда, Техник меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар миллий фонди юритилишини амалга оширади.

Госстандарт томонидан аккредитация фаолиятининг натижаларини халқаро тан олинишини таъминлаш мақсадида миллий аккредитация тизиминини халқаро талаблар ва умум қабул қилинган дунё амалиёти билан янада уйғунлаштириш бўйича тадбирлар мажмуи ҳам амалга оширилади.


Госстандарт стандартлаштириш, метрология, аккредитация соҳасида етакчи халқаро ва европа ташкилотларининг (ISO, IEC, OIML, UNECE, CEN, CENELEC, ILAC ва бошқ.) ишида иштирок этади, собиқ совет иттифоқи ҳудуди – Божхона бирлиги, ЕврАзЭС ва МДҲ да интеграцион тузилишлар доирасида техник тартибга солиш соҳасидаги ишларни ўтказишда фаол позицияларга эга.

Икки томонлама ишга оид алоқалар 20 дан ортиқ мамлакатлар билан 30 дан ортиқ халқаро шартномаларни амалга ошириш доирасида ривожланмоқда.

# БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ МУВОФИҚЛИКНИ ТАСДИҚЛАШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Мувофиқликни мажбурий тасдиқлаш қуйидаги шакларда ўтказилади:

- [\*\*мажбурий сертификатлаштириш\*\*](#)
- [\*\*мувофиқликни декларация  
қилиш\*\*](#)



Мувофиқликни мажбурий тасдиқлаш, агар бу техник регламентлар билан ёки Беларусь Республикасида мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлган маҳсулот, ишлар, хизматлар ва бошқа мувофиқлигини баҳолаш объектларининг рўйхати (кейинчалик – рўйхат)да белгиланган бўлса амалга оширилади. Бундай тартиб 2016 йил 1 январгача амал қиласди. Шу санадан бошлаб, мувофиқликни баҳолаш қонунида белгиланганидек, фақат уларга нисбатан техник регламент талаблари белгиланган мувофиқлигини баҳолаш объектлари мувофиқлигини мажбурий тасдиқланишдан ўтказилади. Рўйхатда қўйидагилар ўрнатилади:

- мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлган маҳсулот, ишлар, хизмат турлари ва бошқа мувофиқлигини баҳолаш объектлари;
- уларнинг мувофиқлигига мувофиқлигини мажбурий тасдиқлаш ўтказиладиган техник меъёrlаш ва стандартлаштириш соҳасидаги техник меъёрий ҳукуқий ҳужжатлар;
- мувофиқлигини мажбурий тасдиқлаш шакллари.

Ушбу рўйхатини шакллантиришда қўйидагилар критерий ҳисобланади:

- маҳсулот, ишлар, хизмат турлари ва бошқа мувофиқлигини баҳолаш объектлари ишлашининг инсон ҳаёти, соғлиги ва ирсияти, мулки ҳамда атроф муҳит учун потенциал хавфи;
- маҳсулот (ишлар, хизматлар) истеъмолчиларини унинг мўлжалланган мақсади, сифати ва хавфсизлигига нисбатан адаштириш фикрга олиб келадиган ҳаракатларининг олдини олиш.

## **Беларусь Республикасида мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлган маҳсулот, ишлар, хизматлар ва бошқа мувофиқлигини баҳолаш объектларининг рўйхати**



[Беларусь Республикасида мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлган маҳсулот, ишлар, хизматлар ва бошқа мувофиқлигини баҳолаш объектларининг рўйхати \(Беларусь Республикаси Давлат стандартлаштириш қўмитасининг 2011 йил 14 июлдаги 46-сонли «Беларусь Республикаси Давлат стандартлаштириш қўмитасининг 2008 йил 16 декабрдаги 60-сонли қарорига ўзгариш ва тўлдириш киритиш тўғрисида»ги қарори\)](#)

## **Беларусь Республикасига мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлган маҳсулотни олиб кириш шартлари**

Беларусь Республикасига мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлган маҳсулотни етказиб беришга тузиладиган шартномаларда етказиб берилаётган маҳсулотнинг мувофиқлигини мажбурий тасдиқлаш ўтказилиши кўзда тутилган бўлиши керак.

Беларусь Республикасининг божхона ҳудудига мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлган маҳсулотни олиб кириш учун божхона органларига божхона декларацияси билан бирга Беларусь Республикасида аккредитланган сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификати ёки Беларусь Республикасида аккредитланган сертификатлаштириш органи томонидан рўйхатга олинган, ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан қабул қилинган мувофиқлик тўғрисидаги декларация тақдим этилади.

Олиб келинадиган товар тўпларига, уларни сертификатлаштириш муддатлари, синов муддатларини қўшган ҳолда, товарларни божхонага оид расмийлаштиришнинг ўрнатилган меъёрий муддатларидан ошган ҳолларда, маҳсулотнинг ўрнатилган талабларга мослиги тўғрисидаги импортер аризаси (декларацияси) асосида, сертификатлаштириш органи томонидан олиб кирилаётган маҳсулот тўпининг идентификацияси ҳамда кейинчалик сотишдан олдин божхонага оид расмийлаштиришдан сўнг ўрнатилган тартибда уни сертификатлаштириш билан сертификатлаштириш органалари томонидан чекланган муддатга берилиши мумкин.

Беларусь Республикасининг божхона ҳудудига мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлган маҳсулотни олиб кириш тартиби Беларусь Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Беларусь Республикаси Давлат стандартлаштириш қўмитаси томонидан ўрнатилади.

### **Беларусь Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2007 й. 30 июндаги 861-сонли қарори**

Беларусь Республикасида мувофиқлигини баҳолаш тўғрисидаги хужжатсиз мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлган маҳсулотни сотиш, хизмат кўрсатиш, ходимлар фаолияти ва бошқа мувофиқлигини баҳолаш объектларининг ишлаши тақиқланади.

### **Маҳсулот хавфсизлиги**

Инсон ҳаёти, соғлиги, мулки, шунингдек атроф муҳит ҳимоясини таъминлаш Давстандарт фаолиятининг қуидаги соҳалардаги асосий мақсадларидан бири ҳисобланади:

- [Техник меъёрлаш](#)
- [Стандартлаштириш](#)
- [Мувофиқликни баҳолаш](#)

## **Техник меъёрлаш**

«Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ маҳсулот, уни ишлаб чиқиш жараёнлари, ишлаб чиқариш, фойдаланиш (ишлатиш), сақлаш, ташиш, сотиш ва утилизация қилиш ёки хизмат кўрсатиш хавфсизлиги билан боғлиқ техник талаблар техник регламентларда ўрнатилади. Бундай ҳужжатлар Беларусь Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилиниб, уларга тегишли мақом берилади. Техник регламент талабларига риоя қилиш мажбурий.

[Беларусь Республикасининг қабул қилинган техник регламентлари тўғрисида ахборот](#)

[Техник регламент лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши тўғрисида ахборот](#)

## **Стандартлаштириш**

Бугунги кунда Беларусь Республикасида 23 мингдан ортиқ давлат стандартлари амал қилиб, улардан тахминан 90% – хавфсизликни таъминлайдиган стандартлар.

2011 йилда қабул қилинганлар қаторида қишлоқ хўжалик машиналари, қурилиш материаллари ва буюмлари, майший электр асбоблар, ёқилғи ва нефтмаҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа стандартлар.

Озиқ-овқат маҳсулотларига келганда, бу соҳада миллий стандартлаштириш «яшил» маҳсулотларни истеъмол қилиш умумжаҳон ғояларини ҳисобга олган ҳолда ривожланмоқда. Савдо расталарида белорус «**Табиий маҳсулот**» белгисига эга маҳсулотлари пайдо бўлган [www.bio.gosstandart.gov.by/](http://www.bio.gosstandart.gov.by/)

[Хавфсизликнинг турли аспектларига тегишли бўлган, жумладан маҳсулот, уни ишлаб чиқариш жараёнлари, транспортда ташиш, фойдаланиш, қўллаш, утилизация қилиш хавфсизлиги таъминланишини тартибга соладиган техник меъёрлаш ва стандартлаштириш соҳасидаги 2011 йилда амалда жорий қилинган янги ТНПА \(ТР, ТКП, СТБ, ГОСТ\) \(илк бор киритилмоқда\)](#)

## **Мувофиқликни баҳолаш**

Беларусь Республикасида бозорни сифати ёмон ва хавфсиз бўлмаган маҳсулотдан ҳимоялаш, чиқарилаётган маҳсулот (хизматлар)нинг сифати ва рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашишнинг самарали инструменти [мувофиқликни баҳолаш](#) ҳисобланади

Объектларнинг техник меъёрлаш ва стандартлаштириш соҳасида техник меъёрий ҳуқуқий ҳужжат талабларига мувофиқлигини баҳолашнинг қабул қилинган тизими қуидагиларни ўз ичига олади:

- [аккредитацияни](#)
- [мувофиқликини тасдиқлашни](#)

Мувофиқликини тасдиқлаш мажбурий ёки ихтиёрий характерга эга бўлиши мумкин.

ТНПА талабларига мувофиқликини мажбурий тасдиқлаш инсон ҳаёти, соғлиги ва ирсияти, мулки ҳамда атроф мухит хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўтказилади. Бу жараёндан [«Беларусь Республикасида мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлган маҳсулот, хизматлар, ходимлар ва бошқа мувофиқлигини баҳолаш обьектларининг рўйхати»](#) га киритилган мувофиқлигини баҳолаш обьектлари ўтказилиши лозим.

Республикада уни мукаммаллаштириш, маҳсулот ёки хизмат истеъмолчига келтириши мумкин бўлган потенциал хавф даражасини ҳисобга олган ҳолда ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича ишлар мунтазам олиб борилади.

**Халқаро стандартларга мувофиқ бошқарув тизимларини сертификатлаштириш** чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат хавфсизлиги ва сифатини оширишнинг мухим йўналиши ҳисобланади.

### **Беларусь Республикасида импорт қилинадиган маҳсулотга қўйиладиган мажбурий талаблар ҳақида ахборот**

Умумий ҳолда Беларусь Республикасининг 2004 й. 5 январдаги 269-З-сонли “Техник жиҳатдан нормалаш ва стандартлаштириш соҳасида техник норматив ҳуқуқий хужжатлар талабларига мувофиқликини баҳолаш тўғрисида”ги Қонуни ва Беларусь Республикаси Президентининг 2016 й. 20 июлдаги 278-сонли “Мувофиқликини мажбурий тасдиқлаш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Беларусь Республикасида қўйидаги мувофиқликини баҳолаш обьектларининг мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши (мувофиқликини сертификатлаштириш, декларация қилиш) лозим:

- уларга нисбатан техник регламентлар талаблари ўрнатилган (Евроосиё иқтисодий иттифоқи – Божхона иттифоқининг техник регламенти доирасида (Евроосиё иқтисодий иттифоқиники); Беларусь Республикаси қонунчилиги – Беларусь Республикаси техник регламентлари доирасида),
- Беларусь Республикаси мувофиқликини тасдиқлаш миллый тизимишининг Беларусь Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2016 й. 21 октябрдаги 849-сонли қарори билан тасдиқланган Мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши керак бўлган обьектлар рўйхатига (кейинчалик матнда – Рўйхат) киритилган.

Соҳанинг номи	Қўйиладиган талаблар (ТР, стандартлар, процедуralар, сертификатлаштириш қоидалари)
<b>Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти</b>	
Янги узилган ва қутилган мевалар,	Божхона иттифоқининг кўйидаги техник регламентларининг техник жиҳатдан тартибга солиш

Соҳанинг номи	Қўйиладиган талаблар (ТР, стандартлар, процедуралар, сертификатлаштириш қоидалари)
<p>янги узилган ва консервацияланган сабзавотлар, янги узилган ёки қуритилган узум; мева ва сабзавот маҳсулотлари (шу жумладан қуритилган), янги узилган қовунлар, тарвузлар ва папайя, ёнғоқлар</p>	<p>объектлари ҳисобланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- БИ ТР 021/2011 «Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида»;</li> <li>- БИ ТР 022/2011 «Озиқ-овқат маҳсулотлари уларни марказлаш қисмida»;</li> <li>- БИ ТР 023/2011 «Мева ва сабзавотлардан тайёрланадиган шарбат маҳсулотларининг техник регламенти»;</li> <li>- БИ ТР 027/2012 «Ихтисослаштирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг алоҳида турлари, шу жумладан парҳез даволаш ва парҳез профилактика овқатланиш хавфсизлиги тўғрисида»;</li> <li>- БИ ТР 029/2012 «Озиқ-овқат қўшимчалари, ароматизаторлар ва технологик ёрдамчи воситаларнинг хавфсизлик талаблари».</li> </ul> <p>Божхона иттифоқининг ушбу техник регламентларида маҳсулотнинг аниқ номларига, уларнинг белгиланган мақсади ва таркибига боғлиқ ҳолда, қўйилиши мумкин бўлган мажбурий талаблар ўрнатилган, шунингдек мувофиқликни баҳолаш шакллари ва процедуралари ўрнатилган.</p> <p>«Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида» БИ ТР 021/2011га мувофиқ (горизонтал) қуйидаги мувофиқликни баҳолаш шакллари кўзда тутилган:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- <b>озиқ-овқат маҳсулотининг мувофиқлигини декларация қилиш;</b></li> <li>- ихтисослаштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш;</li> <li>- янги турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш;</li> <li>- ветеринария-санитария экспертизаси.</li> </ul> <p>Юқорида кўрсатилган маҳсулотларни давлат рўйхатидан ўтказиш масалалари Беларусь Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатида эканлигига, юқорида кўрсатилган маҳсулотлар ветеринария-санитария экспертизаси масалалари Беларусь Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлиги ваколатида эканлигига эътибор қаратамиз.</p>

<b>Соҳанинг номи</b>	<b>Қўйиладиган талаблар (ТР, стандартлар, процедуралар, сертификатлаштириш қоидалари)</b>
Қовурилмаган ер ёнғоқ	<p>БИ ТР 021/2011 «Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги техник жиҳатдан тартибга солиш обьекти ҳисобланади.</p> <p>БИ ТР 015/2011 «Дон хавфсизлиги тўғрисида» ер ёнғоқка тааллуқли.</p> <p>Техник регламент озиқ-овқат ва озуқа мақсадлари учун ишлатиладиган донга тааллуқли, бунда уруғлик мақсадлари учун мўлжалланган дон, донни қайта ишлаш маҳсулотларига тааллуқли эмас.</p> <p>Техник регламент дон учун қўлланиши ва бажарилиши мажбурий бўлган талабларни белгилайди, шунингдек мувофиқликни баҳолаш шакллари ва процедуралари ўрнатилган.</p> <p>БИ ТР 015/2011да дон учун мувофиқликни баҳолаш шакли белгиланган - <b>мувофиқликни декларация қилиш</b>, БИ ТР 021/2011да ҳам <b>мувофиқликни декларация қилиш</b></p>
<b>Тўқимачилик буюмлари</b>	
Пахтадан тайёрланган ип, пахмоқ сочиқбоп газлама	<p>Таркибида массаси бўйича 85% ва ундан ортиқ пахта бўлган чакана савдо учун қадоқланмаган ип, шу жумладан пахтадан тайёрланган ип, Беларусь Республикаси Божхона иттифоқининг (Евросиё иқтисодий иттифоқиники) техник регламентларининг техник жиҳатдан тартибга солиш обьекти ҳисобланмайди, шунингдек Рўйхатга киритилмаган.</p> <p>Енгил саноат маҳсулотлари Божхона иттифоқининг қўйидаги техник регламентлари таъсирига тушади</p> <p>БИ ТР 007/2011 «Болалар ва ўсмиirlар учун мўлжалланган маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида» ёки БИ ТР 017/2011 «Енгил саноат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида». Ушбу техник регламентлар билан кўрсатилган маҳсулотга бўлган талаблар ва мувофиқликни баҳолаш процедуралари ўрнатилган.</p>
Трикотаж буюмлар: трикотаж спорт, чанги ва чўмилиш костюмлари, костюмлар, пиджаклар, шимлар, кальсонлар, трусиilar, тунги кўйлаклар, пижамалар, чўмилиш халатлари, трикотаж уй халатлари	<p>БИ ТР 007/2011да қўйидаги мувофиқликни баҳолаш шакллари ўрнатилган:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- кейинги мувофиқликни декларация қилиш билан давлат рўйхатидан ўтказиш,</li> <li>- мувофиқликни декларация қилиш,</li> <li>- сертификатлаштириш.</li> </ul> <p>Юқорида кўрсатилган маҳсулотларни давлат рўйхатидан ўтказиш масалалари Беларусь Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатида эканлигига эътибор қаратамиз.</p> <p>БИ ТР 017/2011да қўйидаги мувофиқликни баҳолаш шакллари ўрнатилган:</p>
Таркибида массаси бўйича 85% ва ундан ортиқ пахта бўлган чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан тайёрланган ип.	
Таркибида 85 мас.% ёки ундан ортиқ пахта толаси бўлган, юза зичлиги 200 г/м <sup>2</sup> ортиқ бўлмаган ип газлама.	

Соҳанинг номи	Қўйиладиган талаблар (ТР, стандартлар, процедуралар, сертификатлаштириш қоидалари)
	<p>- мувофиқликни декларация қилиш,  - сертификатлаштириш.</p> <p>Қўйида санаб ўтилган маҳсулотлар мувофиқлиги мажбурий баҳоланиши керак:</p> <p>катталар учун тикув ва трикотаж буюмлари (биринчи қатлам) (шу жумладан, кальсонлар, трусилар, тунги кўйлаклар, пижамалар, чўмилиш буюмлари (“чўмилиш” халатлари), тунги халатлар) сертификатлаштириш шаклида (БИ ТР 017/2011 талабларига мувофиқлигига);</p> <p>катталар учун тикув ва трикотаж буюмлари (иккинчи қатлам) (шу жумладан, халатлар, спорт костюмлари (масалан, шим, куртка), пиджаклар, шимлар) мувофиқликни декларация қилиш шаклида (БИ ТР 017/2011 талабларига мувофиқлигига);</p> <p>болалар ва ўсмирлар учун тикув ва трикотаж буюмлари (иккинчи қатлам) (шу жумладан, халатлар, спорт костюмлари (масалан, шим, куртка), пиджаклар, шимлар) сертификатлаштириш шаклида (БИ ТР 007/2011 талабларига мувофиқлигига);</p> <p>1 ёшгача болалар учун тикув ва трикотаж буюмлари (учинчи қатлам) (шу жумладан, спорт костюмлари (масалан, шим, куртка), пиджаклар, шимлар) сертификатлаштириш шаклида (БИ ТР 007/2011 талабларига мувофиқлигига);</p> <p>1 ёшдан катта болалар ва ўсмирлар учун тикув ва трикотаж буюмлари (учинчи қатлам) (шу жумладан, спорт костюмлари (масалан, шим, куртка), пиджаклар, шимлар) мувофиқликни декларация қилиш шаклида (БИ ТР 007/2011 талабларига мувофиқлигига);</p> <p>3 ёшгача болалар учун чўмилиш буюмлари ва ич кийим буюмлари (шу жумладан, трусилар, тунги кўйлаклар, пижамалар, чўмилиш буюмлари (“чўмилиш” халатлари), тунги халатлар) кейинги мувофиқликни декларация қилиш билан давлат рўйхатидан ўтказиш шаклида (БИ ТР 007/2011 талабларига мувофиқлигига);</p> <p>3 ёшдан катта болалар ва ўсмирлар учун чўмилиш буюмлари ва ич кийим буюмлари (шу жумладан, трусилар, тунги кўйлаклар, пижамалар, чўмилиш буюмлари (“чўмилиш” халатлари), тунги халатлар) сертификатлаштириш шаклида (БИ ТР 007/2011 талабларига мувофиқлигига).</p>
<b>Хўжалик-маиший мақсаддаги ва уй-рўзгор буюмлари</b>	
Узга толали ўсимлик материаллардан тайёрланган қофоз массаси	Беларусь Республикаси ва Божхона иттифоқи (Евроосиё иқтисодий иттифоқиники) техник регламентларининг техник жиҳатдан тартибга солиш объекти ҳисобланмайди, шунингдек Рўйхатга киритилмаган.

<b>Соҳанинг номи</b>	<b>Қўйиладиган талаблар (ТР, стандартлар, процедуralар, сертификатлаштириш қоидалари)</b>
<b>Кимёвий маҳсулот</b>	
Вермикулит концентрати	Беларусь Республикаси ва Божхона иттифоқи (Евросиё иқтисодий иттифоқиники) техник регламентларининг талабларига техник жиҳатдан тартибга солиш объекти ҳисобланмайди, шунингдек Рўйхатга киритилмаган.
<b>Нефт ва газ соҳаси</b>	
Нефт вазелини, парафин, нефт муми ва айнан ўхшаш маҳсулотлар	Беларусь Республикаси ва Божхона иттифоқи (Евросиё иқтисодий иттифоқиники) техник регламентларининг талабларига техник жиҳатдан тартибга солиш объекти ҳисобланмайди, шунингдек Рўйхатга киритилмаган.
<b>Машinasозлик тармоғининг буюмлари</b>	
Асосан одамларни ташиш учун мўлжалланган (8702 товар позициясидаги моторли транспорт воситаларидан ташқари), енгил автомобиллар ва бошқа моторли транспорт воситалари, жумладан юк-йўловчи транспорти	<p>БИ ТР 018/2011 «Ғилдиракли транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги техник жиҳатдан тартибга солиш объекти ҳисобланади.</p> <p>Техник регламент қўйидагиларни белгилайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- техник жиҳатдан тартибга солиш объектлари;</li> <li>- техник жиҳатдан тартибга солиш объектларига бўлган хавфсизлик талаблари;</li> <li>- мувофиқликни баҳолаш шакллари ва процедуралари, техник жиҳатдан тартибга солиш объектларининг ушбу техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш схемалари.</li> </ul> <p>Техник регламент таъсири тарқаладиган техник жиҳатдан тартибга солиш объектларига қўйидагилар киради:</p> <p>умумий фойдаланиш автомобил йўлларида эксплуатация қилиниш учун мўлжалланган L, M, N ва O тоифаларидаги ғилдиракли транспорт воситалари (кейинчалик матнда - транспорт воситалари) шунингдек шассилар;</p> <p>транспорт воситаларининг уларнинг хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи компонентлари.</p> <p>Техник регламент таъсири қўйидаги транспорт воситаларига тааллуқли эмас:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) конструкцияси билан кўзда тутилган 25 км/с дан кўп бўлмаган максимал тезликка эга;</li> <li>2) фақат спорт мусобақаларида қатнашиш учун мўлжалланган;</li> <li>3) чиқарилган санасидан 30 йил ва ундан ортиқ вақт ўтган L ва M1 тоифаларидаги, шунингдек, чиқарилган санасидан 50 йил ва ундан ортиқ вақт ўтган, оригинал двигатель, кузов ва мавжуд бўлганда – рамали, сақланган ёки оригинал ҳолатгача реставрация қилинган йўловчиларни ва юкларни тижоратга оид ташиш учун мўлжалланмаган M2, M3 ва N тоифаларидаги;</li> <li>4) Божхона иттифоқининг ягона божхона ҳудудига 6</li> </ol>

Соҳанинг номи	Қўйиладиган талаблар (ТР, стандартлар, процедуралар, сертификатлаштириш қоидалари)
	<p>ойдан кўп бўлмаган муддатга олиб кириладиган ва, узоклаштириш имконини кўзда тутмайдиган божхона режимлари остига жойлаштириладиган;</p> <p>5) Божхона иттифоқининг ягона божхона ҳудудига хорижда яшайдиган шахсларнинг ихтиёрий кўчишига кўмаклашиш бўйича миллий давлат дастурларининг иштирокчилари ҳисобланган, ёхуд ўрнатилган тартибда қочоқ ёки мажбурий кўчиб келган шахс деб эътироф этилган жисмоний шахслар томонидан шахсий мулк сифатида олиб кириладиган;</p> <p>6) умумий қабул қилинган халқаро ҳуқук принциплари ва нормаларига мувофиқ имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланадиган дипломатик ва консуллик ваколатхоналарига, халқаро (давлатларап) ташкилотларга, шунингдек шу ваколатхоналар (ташкилотлар)нинг ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига тегишли;</p> <p>7) йўл бўлмаган жойларда ҳаракатланувчи, катта юклар учун мўлжалланган транспорт воситалари.</p> <p>Бунда ушбу техник регламент таъсири фақат 1), 2), 4) ва 5) бандларда санаб ўтилган транспорт воситаларини бутлаш учун мўлжалланган компонентларга тааллуқли эмас.</p> <p>БИ ТР 0178/2011 «Гилдиракли тарнспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида» техник жиҳатдан тартибга солиш обьекти ҳисобланган маҳсулотга нисбатан қўйидаги мувофиқликни баҳолаш шакллари кўзда тутилган:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- <b>транспорт воситаси (шасси) турини маъқуллаш;</b></li> <li>- ягона транспорт воситасининг конструкциясини синовдан ўтказишни техник экспертиза қилиш, ва ўлчаш;</li> <li>- фойдаланишда бўлган транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш;</li> <li>- транспорт воситасининг конструкциясига ўзгаришлар киритилган ҳолда, фойдаланишда бўлган транспорт воситасини дастлаб техник экспертиза қилиш ва техник кўриқдан ўтказиш;</li> <li>- <b>транспорт воситалари компонентларининг турларини сертификатлаштириш;</b></li> <li>- <b>транспорт воситалари компонентларининг турлари мувофиқлигини декларация қилиш.</b></li> </ul> <p>Транспорт воситаларини синовдан ўтказиш ва ўлчашни техник экспертиза қилиш ва техник кўриқдан ўтказиш масалалари Беларусь Республикаси Транспорт ва коммуникация вазирлиги ваколатида эканлигига эътибор қаратамиз.</p>

<b>Соҳанинг номи</b>	<b>Қўйиладиган талаблар (ТР, стандартлар, процедуралар, сертификатлаштириш қоидалари)</b>
<b>Тиббиёт буюмлари</b>	<p>Пахта, пахта-прима</p> <p>Беларусь Республикаси ва Божхона иттифоқи (Евроосиё иқтисодий иттифоқиники) техник регламентларининг техник жиҳатдан тартибга солиш объекти ҳисобланмайди, шунингдек Рўйхатга киритилмаган.</p> <p>Тиббиёт буюмларига қўйиладиган талабларни тартибга солиш Беларусь Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатида эканлигига эътибор қаратамиз.</p>

Умумий ҳолда маҳсулотларни Божхона иттифоқи (Евроосиё иқтисодий иттифоқиники) техник регламентларининг талабларига сертификатлаштириш процедураси қуидагиларни ўз ичига олади:

- сертификатлаштириш органига ариза ва техник ҳужжатларнинг берилиши (ариза берувчи);
- ишлаб чиқариш текшируви (ариза берувчи);
- техник ҳужжатлар таҳлили (сертификатлаштириш органи);
- маҳсулот идентификацияси (сертификатлаштириш органи);
- синовлар учун намуна танлаш, маҳсулотни синовдан ўтказишни ташкиллаштириш (сертификатлаштириш органи);
- маҳсулотни синовдан ўтказиш (синов лабораторияси (марказ));
- ишлаб чиқариш ҳолатининг таҳлили (сертификатлаштириш органи);
- техник регламент талабларига мувофиқлик сертификатини бериш (сертификатлаштириш органи);
- ЕАС белгиси билан маҳсулотни маркалаш (ариза берувчи).

Маҳсулотларни Божхона иттифоқи (Евроосиё иқтисодий иттифоқиники) техник регламентларининг талабларига мувофиқликни декларация қилиш процедураси қуидагиларни ўз ичига олади:

- техник ҳужжатларнинг шакллантирилиши ва таҳлили (ариза берувчи);
- ишлаб чиқариш текшируви (ариза берувчи);
- маҳсулот идентификацияси (ариза берувчи);
- синовлар учун намуна танлаш, маҳсулотни синовдан ўтказишни ташкиллаштириш (ариза берувчи);
- маҳсулотни синовлардан ўтказиш (синов лабораторияси (марказ));
- мувофиқлик ҳақида декларация қабул қилиш (ариза берувчи);
- сертификатлаштириш органига мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни рўйхатдан ўтказиш учун ариза берилиши (ариза берувчи);
- ариза ва мувофиқлик ҳақида декларация таҳлили (сертификатлаштириш органи);
- мувофиқлик ҳақида декларацияни рўйхатга олиш (сертификатлаштириш органи);
- ЕАС белгиси билан маҳсулотни маркалаш (ариза берувчи).

Маҳсулотларнинг Божхона иттифоқи (Евроосиё иқтисодий иттифоқиники) техник регламентларининг талабларига мувофиқлигини баҳолаш бўйича ишлар аккредитланган мувофиқликни баҳолаш органлари (шу жумладан, Сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлар) ягона реестрига киритилган сертификатлаштириш органлари ва синов

лабораториялари (марказлар) томонидан амалга оширилади. Юқорида кўрсатилган реестр билан Евроосиё иқтисодий комиссиясининг ([www.eurasiancommission.org](http://www.eurasiancommission.org)) сайтида «Техник жиҳатдан тартибга солиш»/«Техник жиҳатдан тартибга солиш ва аккредитация департаменти»/ «Маълумотлар базаси (реестрлар)» бўлимида ёки Госстандартнинг ([www.gosstandart.gov.by](http://www.gosstandart.gov.by)) сайтида «Реестрлар» бўлимида танишишингиз мумкин.

Божхона иттифоқининг техник регламентлари билан Евроосиё иқтисодий комиссиясининг ([www.eurasiancommission.org](http://www.eurasiancommission.org)) сайтида «Техник жиҳатдан тартибга солиш»/«Техник жиҳатдан тартибга солиш ва аккредитация департаменти»/«Техник регламентлар» бўлимида ёки Госстандартнинг ([www.gosstandart.gov.by](http://www.gosstandart.gov.by)) сайтида «Евроосиё иқтисодий иттифоқи»/«БИ (ЕАЭС) қабул қилинган техник регламентлар» бўлимида танишишингиз мумкин.